

**Тайинланган жазо енгиллиги туфайли бекор қилинган хукм судда ЖПК 414-моддаси талаби асосида кўрилмай иш терговга қайтарилигани сабабли суд қарорлари бекор бўлишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туман судининг 2006 йил 27 сентябрдаги ажримига асосан, С. ЖК 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 179-моддаси, 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддасининг 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 228-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси;

Н. ЖК 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 179-моддаси, 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 205-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддасининг 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 228-моддасининг 3-қисми, 243-моддаси билан айблангандарга оид жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 9 февралдаги ажрими ҳамда шу суд Раёсатининг 2007 йил 9 мартдаги қарори билан суднинг ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтариш ҳақидаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Дастлабки тергов органи томонидан С. Н ва бошқалар 2001-2003 йиллар давомида “Ракси” масъулияти чекланган жамият ҳамда “Нум қурилиш” ва “Жавоҳир таъмир сервис” хусусий фирмаларида ишлаб келган даврда, олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, уюшган гурӯх бўлиб, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлари ҳолда сохта тадбиркорлик ва фирибгарлик билан шуғулланишиб, фирма ҳисботларини топшириш

вактида солик, йиғим ва бошқа тўловларни кам тўлаш мақсадида баланс ҳисоботлариға ғаразгўйлик ниятида сохта маълумотлар киритишиб, фирмалар фаолият кўрсатган даврда соликқа оид пул айланмасини ҳамда фойда (даромад)ни яширишиб, соликларни ва бошқа тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлашганликда ҳамда ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айблангандар.

Суд ишни кўришда Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 10-бандида кўрсатиб ўтилган, “... иш бўйича чиқарилган биринчи ҳукм тайинланган жазо енгиллиги сабабли бекор қилинган бўлса, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчининг айбини тасдиқловчи далилларни келтирмайди, фақатгина ЖПК 414-моддасига биноан жиноятни тавсифлашга ва жазо чораларига боғлиқ бўлган ўзининг хуносаларини асослантиради”, деган талабларга амал қилмаган. Бундан ташқари, ЖПК 414-моддаси ва 495-моддасида белгиланган талабларга эътибор қилмаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман судининг 2006 йил 23 январдаги ҳукмига асосан:

С. ЖК 28,184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари билан айбли деб топилиб, ЖК 59,61-моддалари тартибида 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум этилиб, 2002-2005 йиллардаги амнистия актлари татбиқ этилиб, жазодан озод қилинган.

Н. ЖК 184-моддасининг 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми, 167-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари билан айбли деб топилиб, ЖК 59,61-моддалари тартибида 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилинган.

Жиноят иши прокурор протестиға асосан 2006 йил 11 июля жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясида кўрилиб, суд ҳукми бекор қилинган ва иш янгидан судда кўриш учун юборилган.

Кассация инстанцияси судининг ажримида, биринчи инстанция суди томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғри аниқланиб, С ва Н.нинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилинганлиги, бироқ жиноят оқибатида етказилган моддий заарнинг 95 фоизи қопланмаганлиги инобатга олинмасдан, уларга номувофиқ жазо тайинланганлиги, Н.га нисбатан ЖК 72-моддасини қўллаш сабаблари асослантирилмаганлиги, С.га нисбатан 2002 йилдаги амнистия акти нотўғри татбиқ этилганлиги сингари ҳолатлар кўрсатилган бўлса-да, биринчи инстанция суди ишни янгидан судда кўришда юқорида қайд этилган Пленум қарори ҳамда қонун талабларига риоя қилмасдан ишни тўлиқ ҳажмда кўриб чиқиб, жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ҳақида нотўғри хуносага келган.

Бундан ташқари, кейинчалик ишни апелляция инстанцияси судида кўришда ҳам ЖПК 426, 506-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Жиноят ишидаги ҳужжатлардан кўринишича, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ишни қўшимча терговга юбориш ҳақидаги ажримини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида 2007 йил 9 февраль куни ажрим қабул қилган бўлса-да, апелляция инстанцияси суд мажлиси баённомаси 2007 йил 13 февраль санаси билан тузилиб, раислик этувчи ва котиб томонидан имзоланган ва иш ҳужжатларига қўшиб қўйилган.

Ишни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатида кўриб чиқиша юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 3 июлдаги ажрими билан С. ва Н.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига юборилди.

***ЖСҲ-194-07 сонли ажерим***